



Кўёш ярқ этиб қикди-ю олам товланиб кетди. Туни билан шивалаб ёққан ёмғир томчилари гиёҳларда, куртаклари бўртиб, барг ёзаётган новдаларда осилиб турарди. Шу новдалар худди олтин исиргалардек ялт-юлт қила бошлади.

Тундаги ёмғирни хайрат билан томоша қилган болакай сахарнинг бундай гузаллигига хайрон боқди. Мана, новдалардаги томчиларнинг биттаси сал чўзилди. Кейин сўнгги марта ялт этиб, болакайнинг юзига томди. Болакай сал сесканди. Яна томчиларга қаради...

Сахарданок ажиб бир илиқлик, номаълум туйғу юракларни эр-калай бошлади. Дув гуллаган бодомлар худди каттақон бодроққа қибс. Боларилар уларнинг гул кosalаридидаги ёмғир томчиларини ичиб, ташналигини қондираётганга ўхшарди.

Наврўз ёмғирининг ажиб бир хосияти бор. Ям-яшилликка шунчалар зеб берадики! Кечалар паршонхал турган дов-дарактлар, гуллар, қўйин-чи борлик, ёмғирдан кейин худди кўзгу олдидаги ораста қизга ўхшаб қолади. Мажнунтолларнингку малаҳотига таъриф йўқ. Ёлларда оҳиста тебраниб худди:

— Бошқача бўлишим мумкин эмас, ахир Наврўзку! — деяётгандек бўлади.

Тугмачдек бинафшалар, бойчечаклар қизларнинг сочларида, чакчаларида юзи билан ранг талашади: ким гузал менми, қизми? Қизларнинг шахло кўзларига шундай дамда бир лаҳза қарасангиз Наврўз нималигини биласиз-қўласиз. Наврўз худди мана шу кўзлар учун яратилгандек, шу кўзлар оламга Наврўз севиначларини улашётгандек. Бир-бирларига «нима киямиз» дея савол беришаверади. Жавондаги ипак, шоҳи қўйлақлар бирма-бир чиқаверади. Охири биттаси:

— Атлас киямиз. Ахир бугун Наврўзку! — дейди. Кўёш куёш, энди шахримиз кўчаларига юзлаб, минглаб куёшлар тарқалиб кетгандек. Қайқа қараманг олов, олов...

Осимон кўшаларга тўлиб кетган. Чугур-чугурлардан бошингиз айланиб кетгудек бўлади. Худди ажиб хонандлар басма-басма қўшиқнинг авжидан олаётганга ўхшайди. Оҳанглардан бир дам масрур бўласиз иктиёрингизни табиатга топширасиз. Бир лаҳзада ўзалигингизни унутиб яшилликка қоришиб кетгандек бўласиз.

Дунёда қандай шодиёна борки, шоирлар назмида таъриф у тавсифини топмаган бўлсин! Хусусан Наврўз ҳақида асрлардан бери ажиб сатрлар битилди. Лекин хали ҳам Наврўзни алқаб гузал шеърлар яратилиб келинмоқда.

Наврўз тўғрисида Абу Райхон Беруний («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»), Филдавсий («Шоҳнома»), Махмуд Қошғарий («Девону лугатит турк»), Умар Хайём («Наврўзнома») каби машҳур аллома ва шоирлар қалам юритганлар. Ушбу асарлар Наврўз қанчалар қадимий экинлик-гидан далолат беради.

Махмуд Қошғарий «Девону лугатит турк» асарида баҳор айёми, Наврўз кунини тасвирлаб ёзди:

Кўлди баҳорнинг юзи, Оқди сел эриб музи, Чикди ёруғ юлдузи, Тингла сўзим кулгусиз.

Хиндистоннинг Хайдаробод шаҳридаги кутубхонасидан топилган, ўн бешинчи асрда яшаб иҳод этган булбулзабон шоир Хофиз Хоразмийнинг «Кўргузур бўлса юзини» газали Наврўз ҳақидаги чиройли лўтки, унинг айрим сатрларини ўқиб бунга амин бўласиз:

Кўргузур бўлса юзини моҳ-и махрафр ўзимиз, Бўлгай эрди ул нишон толий-йи пер узимиз, Кечатак зулфи никобидин биза кўрунса юз. Офтоб-и давлат ул дам бўлгай эрди рўзиймиз. Булбул-и жон созининг гулзоридан излар наво, Чун ўшанинг юзи эрур Йиду ҳам наврўз.

Хофиз Хоразмий ёр ва баҳор тасвирини шунчалар маҳорат ила чиздики унинг маҳоратига асло тан беримай илож йўқ.

Буюк бобомиз Алишер Навоий иҳодида ҳам ибратли сатрлар бор. Улар халқимиз орасида машҳур бўлиб, ҳикматли сўзларга айланган кетган:

Эй юзунг боғи насимидга ҳавон Наврўз, Даял тожинг бўлиб ул боғда бўстонафрўз.

Зулфу руҳсор ила комимга мени еткурсанг, Хар тунунг қадр ўлубон, хар кунунг ўлсун Наврўз.

Ёки ушбу газалга эътибор қилинг: Васл аро кўрдим, тенг эмаш бўйю сочи, Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди чу Наврўз.

Яна икки сатр «Сади Искандарий» достонидан: Ки бу сур эрур, оламафрўз ҳам, Хусусан эрур фасли Наврўз ҳам.

Наврўзи оламнинг бундай дилдор манзарасини чизиб, элга манзур айлаш ҳазрат Навоийнинг даҳоси қудратидир!

Ўзбек адабиётида ўзининг муносиб ўрнини олган Мунис Хоразмийнинг «Баҳор» қасидаси кўкларнинг шаънига битилган сара асарлардан саналади. Шоир баҳор фаслининг келишини, унинг манзараларини рангли бўёқларда чизди:

Сара уза кумри солиб бўйнига тавки нишот,

Шарқнинг оташнафас шоирларидан бири саналган Фузулий наваҳор тасвирини худди мусаввирлар каби тасвир этади. Маҳорат билан ишланган мўйқалам асарини қанчалар суюб томоша қўلسақ, шоир газалини ҳам шунчалар дил ўзлай! Қўйимиз. Шоир ёрни тавсифлаб ёзди:

Хар кун очар кўнглим завқи висолинг янгладан, Гарчи гуллар очмага хар илда бир Наврўз ўлур.

КУЛДИ БАҲОРНИНГ ЮЗИ



Ўзини ушбу байтни ўқиб кўрайлик: Кўлса васлинг шомини субҳа баробар йўқ ажаб, Расмдур фасли баҳор ўлмоқ баробар рўзу шаб. Энди ушбу сатрларга қаранг: Айш учун бир турфа манзилдир баҳор айёми боғ,

Висол бўлиб кел

МУҲАББАТ АЙЁМИ



Худди пар как бўрингиз енгил, Наврўз еллари билан фалак токига парвоз қилаётгандексиз. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Бугун Наврўзку! Наврўзим! Неча асрлардан бери гуллар улашиб, қушларни қўлатиб, дилларни уянтиб келасан! Она Ерни уяғотиб, меҳнат-каш бободоҳонни энтиктириб, дала бошига етаклайсан.

Наврўзим! Сени тинчлик боши десак ҳам, табиат нақшоши десак ҳам арзийди. Дошқозонларда қайнаётган сумалагу халим, тандирдан янгигина узилган кўк сомсалар, минг бир тусда товланаётган олам сўзимининг исботидир.

Наврўзим! Қанча-қанча қалбларга ишқ, муҳаббат улашгансан! Ушал ушалиб-ушалмаган орзулар, қониб-қонмаган туйғулар юракларда хали ҳам жўшиб турибди. Осмонни зириллатган сайилларда бир-бирини кўрган ёшларнинг интиқ нигоҳларида сен борсан, Наврўзим!

Бу ҳикояни менга тўқсон ёшли отахон айтиб берган эди. Нозанин челақни кўтариб боққа йўналди. Ота онага қаради: — Сув бисёрку, яна не гап? — Ҳовлига сув сегиб, супураман, дадаҳон, — деди Нозанин. Ота индамади. Она билинар-билимас ҳўрсинди.

Қиз толзор йўлқадан ўтиб, Гуларқининг соҳилига келди. Челақни сувга ботирди. Уни бир четга олиб қўйиб, олисга, яшил қирларга нигоҳларини қадади. Утган йили худди ўша қирларда Наврўз сайли бўлиб эди. Ушанда илк бор кўрган эди пахлавон йигитни! Қиз ўзини таъкиб этаётган оловли бир жуфт кўзларни ҳис этди. Бир жуфт нигоҳ унинг вужудини куйдирибди. Ниҳоят қиз ўтирилди. Ўтирилди ўтли нигоҳлар уни ёндирди!

— Сизмисиз? — деди ўша кўзлар. — Мен, мен... — иб билан довлариди қизнинг кўзлари. — Мен сизни яна олдин кўрганман... — Вой-вой... — Наврўзга раҳмат, — деди оловли кўзлар. — Сизни кўрдим, энди армоним йўқ.

Пахлавонни чакриб қолди. У ортига ўтирилди. Энди қизнинг бир жуфт кўзидида олов унинг яринларини куйдиради... Қизнинг ич-инидан ҳўрсиник келди: қаерда экан пахлавоним? Бу йил ҳам Наврўз сайлига келармикан? Уша қирда булармикан бу йил ҳам сайли?! Елкасига тўккан қўлдан Нозанин чўчиб тушди. Онаси экан. Она-зор қизининг қалбидидаги азгу туйғуларини сезарди.

— Қизим, артага сайил экан. Отанг рўхсат бердилар. Мен ҳам бораман сен билан бирга. Тезроқ бўлақол. Туни билан пиширик пиширамиз... Она челақни кўтариб кетди. Қизнинг пигирлаб турган юраги қўйлаб юборди.

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун, Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Дарҳақиқат улуғ аллома таърифтагиндек, дунёда дўстлик, биродарликдан устун келадиган куч йўқ. Буни бизнинг байналмилал мамлакатимиз мисолида яққол кўриш мумкин. Республика байналмилал маданият марказида ҳам Наврўз шодиёналарига алоҳида тайёрларик кўрилиб, байрам тантаналарининг ранг-баранг, жозибдор бўлиши йўлида кўп саъй-ҳаракатлар қилинди.

— Миллий маданият марказининг қошидаги бадий ҳаваскорлик жамоалари байрам кўни Халқлар дўстлиги саройи олдида ўз дастурларини намойиш қилдилар, — деди Республика байналмилал маданият маркази қошидаги Дўстлик уйи мудирининг ўринбосари Елена Степанова. — Дастурларимизда Наврўз шодиёналарига алоҳида эътибор берилган.

Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Бугун Наврўзку! Наврўзим! Неча асрлардан бери гуллар улашиб, қушларни қўлатиб, дилларни уянтиб келасан! Она Ерни уяғотиб, меҳнат-каш бободоҳонни энтиктириб, дала бошига етаклайсан.

Наврўзим! Сени тинчлик боши десак ҳам, табиат нақшоши десак ҳам арзийди. Дошқозонларда қайнаётган сумалагу халим, тандирдан янгигина узилган кўк сомсалар, минг бир тусда товланаётган олам сўзимининг исботидир.

Наврўзим! Қанча-қанча қалбларга ишқ, муҳаббат улашгансан! Ушал ушалиб-ушалмаган орзулар, қониб-қонмаган туйғулар юракларда хали ҳам жўшиб турибди. Осмонни зириллатган сайилларда бир-бирини кўрган ёшларнинг интиқ нигоҳларида сен борсан, Наврўзим!

Бу ҳикояни менга тўқсон ёшли отахон айтиб берган эди. Нозанин челақни кўтариб боққа йўналди. Ота онага қаради: — Сув бисёрку, яна не гап? — Ҳовлига сув сегиб, супураман, дадаҳон, — деди Нозанин. Ота индамади. Она билинар-билимас ҳўрсинди.

Қиз толзор йўлқадан ўтиб, Гуларқининг соҳилига келди. Челақни сувга ботирди. Уни бир четга олиб қўйиб, олисга, яшил қирларга нигоҳларини қадади. Утган йили худди ўша қирларда Наврўз сайли бўлиб эди. Ушанда илк бор кўрган эди пахлавон йигитни! Қиз ўзини таъкиб этаётган оловли бир жуфт кўзларни ҳис этди. Бир жуфт нигоҳ унинг вужудини куйдирибди. Ниҳоят қиз ўтирилди. Ўтирилди ўтли нигоҳлар уни ёндирди!

— Сизмисиз? — деди ўша кўзлар. — Мен, мен... — иб билан довлариди қизнинг кўзлари. — Мен сизни яна олдин кўрганман... — Вой-вой... — Наврўзга раҳмат, — деди оловли кўзлар. — Сизни кўрдим, энди армоним йўқ.

Пахлавонни чакриб қолди. У ортига ўтирилди. Энди қизнинг бир жуфт кўзидида олов унинг яринларини куйдиради... Қизнинг ич-инидан ҳўрсиник келди: қаерда экан пахлавоним? Бу йил ҳам Наврўз сайлига келармикан? Уша қирда булармикан бу йил ҳам сайли?! Елкасига тўккан қўлдан Нозанин чўчиб тушди. Онаси экан. Она-зор қизининг қалбидидаги азгу туйғуларини сезарди.

Шоирлар наздида Пўлат МўМИН.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ЭЛИМ КУЛИБ, КўНГЛИМ ТўЛИБ

Юракдан сўз Қайнар Наврўз Шарофати — Шарафига, Чиндан гулгун Қаранг, бугун улқамнинг турт — Тарафига. Кўнча кувш Бўлиб бош-қош Ерга сочар Нур-шўъласин. Созандалар, Хонандалар Айтар Наврўз Ашуласин. Булут аро Гоҳо-гоҳо Ялт-ялт этар Камалақлар, Тонг азонада Дошқозондан Сузуладур Сумалақлар. Ватан кўйини Кулги уйин Тугиб кетган Ҳаммаёқни, Барча шодон Айлар баён Юракдаги иштиёқин. Момоларим

Боболарим Қилар дуо Бул, деб ҳалол, Ошиёнинг, Ошу-у нонинг Узингички, Шудир иқбол. Халқим тинмас, Бели синмас, Бўлсин тилло Остонаси, Икки дунё Юзда зив Ярақласин Пешонаси. Қулласинлар Йўлласинлар Авлилар Каромати. Бу шодонлик Ободонлик Хумо қушининг Шарофати.

Элим кулиб Кўнгли тўлиб Дўстин чорлар Дастурхонга, Ўзбекистон Оқшом-у тонг Ёйгай доврўг Кенг жаҳонга.

САБЗАЗОРДА СУМАНБАРГА ХИНА БОР

Шўҳлан кўнгул, адодир қиш қамали, Бетни очди шамсининг ҳамали, Табиатда гуллаш, фикри, амали, Мавсумларнинг тақсимоти чамали, Қошу кўзлар ранглардан бежамали, Осмони кўк, камалакли Наврўзжон, Сочпопукли, жамалакли Наврўзжон! Гозлар арқон солиб утар ҳавода, Тебранади лола боди сабода, Тасаддуқ жон уз мулкида, маъвода, Сади покка кеч қўлмали мабодо. Чўчумали, бойчечакли Наврўзжон, Тура хотин, келинчакли Наврўзжон!

Ялғиз сомса, кўк чўчвара тайёрму, Сумалаксиз баҳор ҳуррам баҳорму, Полвонларда ҳалимисиз куч борму, Саъва булбул шу қадар санъаткорму, Қуш тилиқни орифона ашўорму, Беланчақли, ҳайинчакли Наврўзжон! Куйлақлари сим ипакли Наврўзжон! Сулувнинг сувқовоғида нима бор, Балким шабнам ёшлар қиттақина бор, Биздан гўнган утун бўлса—гина бор, Номардларга мужгон эрмас, игна бор, Сабззорда суманбарга хина бор, Турфа-турфа капалакли Наврўзжон, Сийнаси тар ҳандақлакли Наврўзжон!

Боғ яратиб, боғ ялашга не етсин, Қуш қанқанда тамом тандин дард кетсин, Дийдорлашув ёруғ кунлар бахш этсин, Хоразмлик сочи халфа даф чертсин, Султон эмди Гулойимни эритсин, Урфан азгу, энг урнакли Наврўзжон, Даҳр боғинда курнакли Наврўзжон! Султон АКБАРИЙ

ОЛАМНИ ЧУЛҒАДИ ЗАВҚУ ХАЯЖОНИ

Элу халқ безаниб чикмиш сайил! Турфа либослардан кўлар қамашар! Қанча шўхлик, шодлик бўлса майлига, Букун шунча завқу шодлик ярашар! Авжга чиққан кураш, пойта кўпқари! Пахлавонлар кўчин айлар намойиш! Ўзбек халқи дунё халқи қатори Қудратига берар бу кун оройиш! Барча элу халқлар бу кун шод-хуррам Мустақиллик гаптин суриб бахтиер! Юзларда шодлигу дўст ила қарам! Осмон кўнгли узра яшнар ифтихор! Қимқобу зар қийнат она, холалар! Дошқозон бошида қайнар сумалак! Уюқ атрофида қўзу болалар Сумалақни таший олмасдан ҳалак! Бағрини кенг очмиш «Нон шаҳри — Тошкент»! Куча-қуйлар тула нозу-неъмат! Турпун-туман моллар тикилиб тошган! Шонли мустақиллик бу кун — хизматда! Ийд либосин кийиб безаниш шаҳрим! Бахти кўлиб боққан жононқой пойтахт! Инсофу адолат тўфайли, фохрим, Тинчу фаронондир — шула аҳир бахт! Шу буюк оламнинг боқий юраги — Порларкан бошларда мурабий Кўеш, Хар қалбнинг ушалиб орзу-тилаги, Шу Кўнча старкан омон бўлса бош! Холпуқазар ХОЛНИЕЗОВ